Ушбу сонда:

2 БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЖАНГОВАРЛИГИ УЧУН

3 ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

4 ФАРЗАНДГА МУҲАББАТ
кўр-кўрона бўлмаслиги лозим

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 3 март, жума № 36 (2085)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

НАВБАҲОР НАВРЎЗНИ КУТМОҚДА

Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида Наврўз умумхалқ байрамига тараддуд эрта бошланди. Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан туман ҳокимлиги тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги» тадбирларини ишлаб чиқди.



Унга мувофиқ байрамгача 15 минг туп мевали, 10 минг туп манзарали дарахт кўчатлари, 60 минг туп тут кўчати ўтказиш, туман маркази - Бешрабод қўрғонидан Кескантерак ҳамда Қалқонота қишлоқларигача бўлган йўл атрофини кўкаламзорлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш, Учтут қишлоғига 3 чақирим масофага газ, Қалқонота қишлоғига икки чақиримга ичимлик сув қувурлари тортиш режалаштирилган.

Шу билан бирга барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларда кенг кўламда тозалик ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш кўзда тутилган. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллар кўмагида қишлоқларни, хонадонлар атрофини гулзорга айлантириш, ҳомийлар кўмагида ўндан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқтасини қуриб битказиш белгиланган.

Туманда баҳорги экиш ишларини бошлаш учун барча зарур техника воситалари ҳам мавсумга тайёрлаб қўйилди. Ҳозир ерлар ҳайдалиб, далага маҳаллий ўғит чиқариш қизғин давом этмоқда.

Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида

ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгашининг фуқаролар қабулига бўлган алоҳида эътибори катта самара бермоқда. Бу ерга турли ариза ва шикоятлар билан келиб-кетувчиларнинг манфаатлари қонуний равишда ҳимоя қилиниб, қўллаб-қувватланаяпти. Мурожаат ва аризаларнинг кўпчилигида иш ҳаки ва товон пуллари ҳақида сўз боради. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида тушган шундай мазмундаги 50 та оғзаки ва 9 та ёзма шикоятнинг 20 фоизи ижобий ҳал қилинди. Аризаларни ўрганиш жараёнида фуқароларнинг фойдасига 3 миллион сўмдан зиёд иш ҳаки ва товон пуллари ундирилиб берилди.

Меҳнаткашлар манфаатининг ҳимоячисига айланган бу кенгашнинг фуқароларни қабул қилиш соатлари доимо самарали ўтмоқда. Кенгашга ташриф буюрганимизда бунга гувоҳ бўлдик.

Қабулхона фуқаролар билан гавжум. Белгиланганидек роппа-роса соат 9.00 да кенгаш раиси Қодирберган Раҳимов хонасида раис ўринбосари Арслон Қурбониёзов, ташкилий ишлар бўлими мудири Э.Болтаев, ҳуқуқ бўйича нозир Х.Қозоқовлар ҳозир бўлишиб, Қўшкўпир туманидаги собиқ Машариф Раҳмонов номли ширкат хўжалигининг ишчиси О.Маткаримовни қабул қилишди. Касаба уюшмаларидан ўзига паноҳ истаб келган О.Маткаримов ширкат хўжалигида 24 йил меҳнат қилганлигини, бироқ, кейинги икки йил давомида иш ҳақини олломаётганлигини, айни пайтда ширкат фермерлар уюшмасига айлантирилиб, йўқ бўлиб кетганлигини, тумандаги қатор идораларга ёрдам сўраб борганлигига қарамай, иш ҳақини ҳамон ундириб ололмаётганлигини билдириб, йиғилганлардан ёрдам сўради. Масала шу ернинг ўзида таҳлил қилиб кўрилганда, О.Маткаримовнинг 2 миллион сўмга яқин иш ҳақи борлиги, қонун бўйича собиқ ширкат хўжалиги мол-мулки ҳисобига қопланиши кераклиги маълум бўлди. Кенгаш раиси ушбу аризани ҳал қилиб беришни ҳуқуқ нозирига топширди.

Шундан кейин хонага Янгиариқ тумани "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик бирлашмаси ишчиси З.Мадаминова кирди. У шу идорада ўн йилдан ортиқ ишлаганини, маъмурият уни штат қисқартирилиши баҳонасида Меҳнат қонунларига зид равишда ишдан бўшатиб юборганини айтди. Бу иш билан Кенгаш раиси ўринбосари шуғулланадиган бўлди. Питнак шаҳридаги Туямўйин механизациялашган жамланмаси ишчиси А.Бобоев эса иш жараёнида тан жароҳати олганига қарамай маъмурият унга қонуний нафақасини тўламаётганлигини, ҳатто Хазорасп туманидаги мутасадди идораларнинг раҳбарлари ҳам бу масалани ҳал қилолмаётганини билдирди. Кенгаш раисининг тавсияси билан бу иш меҳнатни муҳофаза қилиш нозири ва ташкилий ишлар мудири зиммасига юклатилди. Урганч шаҳридан келган Ш.Ортиқов, Хонқадан келган Б.Муротов, А.Каримов, Р.Боғбековларнинг мурожаатлари меҳнат дафтарчаси ва иш ҳақларини ўз вақтида олишолмаётганлиги билан боғлиқ эди. Уларнинг арзлари ҳам пухта кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Одатдагидек, фуқароларнинг ишлари масъул ходимларга топширилди ва кенгаш раисининг ўзи бу мурожаат ва аризаларни назоратга олди.

Эркин ЭРМАТОВ,
"Ишонч" мухбири

Айни кунларда Боғдод тумани машина-трактор парки ҳиссадорлик жамиятида баҳорги дала ишлари учун зарур барча техника воситалари мавсумга шай қилиб қўйилди.

Таъкидлаш керакки, жорий йили мазкур жамият жамоаси тумандаги 510 та фермер хўжаликлар билан шартнома тузди. Бунга мувофиқ улар 450 миллион сўмдан ортиқ қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришлари зарур. Ана шу мақсадда чилангару механизаторлар таъмирлаш мавсумига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳозир бу ерда 151 та чопиқ, 230 та транспорт, 20 та чизел, 322 та барана, 95 та сеялка, 33 та плёнка остига чигит экиш механизми сифатли таъмирдан чиқарилди. Зарур эҳтиёт қисмларнинг бир қисми шу ернинг ўзида созланди.

Культиватор учун лапка, наралник, фтулка, ўғитлагич сингари эҳтиёт қисмларни маҳаллий усталар қайта ясашди. Бу эса сарф–харажат миқдорини анча камайтирди.

Суратда: механизатор Дилшод Аҳмадалиев.

Ш. ОЛИМОВ
(ЎзА) олган сурат

Иш билганга минг танга

«ДИРЕКТОР» ЖАМҒАРМАСИ
адолат тарозуси

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши тармоқ ходимларининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ ишларни ўз фаолиятларининг муҳим йўналишларидан бирига айлантиришмоқда. Бунинг эвазига иш ҳақларини ўз вақтида тўланишига эришиш ва моддий рағбатлантириш масалалари тобора кучайтирилмоқда.

Юртбошимизнинг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни рағбатлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг тармоқда бажарилишига тааллуқли Молия, Меҳнат ва Адлия вазирликлари томонидан тасдиқланган тегишли Низоми талаби вилоятнинг барча шаҳар, туман ва мактаблари касаба уюшмалари фаоллари билан ўтказилган анжуманнинг бош мавзуси бўлди. Вилоят ҳокимлигининг молия, меҳнат ва халқ таълими бошқармалари бўлим мудирлари, касаба уюшма ташкилотлари вилоят бирлашмаси ва тармоқ ҳуқуқшунослари фаол иштирок этдилар.

Анжуманда халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими қўлланилишининг афзалликлари, жойлардаги ишчи комиссияларининг вазифалари хусусида сўз юритилиб, ўқитувчилар тоифалари, устамалар белгиланиши, моддий ёрдам кўрсатилишида "Директор" жамғармаси маблағлари сарф-харажатлари қай тарзда амалга оширилиши тушунтириб берилди.

Таълим ва фан ходимлари Тўрақўрғон туман касаба уюшма кенгаши раиси К.Мирзаҳмедов, Уйчи туманидаги 7-умумтаълим мактаби директори Шаҳобиддин Насриддинов, Наманган шаҳридаги 4-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Шаҳноза Акбаровалар "Ходимлар манфаатларини ижтимоий ҳимоялашда мактаб маъмурияти ва касаба уюшмаларининг ҳамкорлиги", "Мактаб маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг узвий фаолияти тўғрисида", "Ҳақ тўлашни такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳида касаба уюшма қўмитаси раисининг ўрни" мавзуларидаги маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Қарор ижросини таъминлашда мактаб раҳбари, ишчи комиссияси аъзолари, айниқса касаба уюшма раисининг талабчан ва одил бўлиши жамоадаги ўз касбининг фидойилари, иқтидорли ва жамоатчи ўқитувчиларни янада ғайрат билан ишлашга чорлаши тадбирда алоҳида таъкидланди.

"Директор" жамғармасига иш ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида ажратиладиган маблағларнинг молиялаштирилиши, унинг ойма-ой харажат қилиниши", "Ўқитувчининг меҳнат вақти", "Асосий лавозим маоши миқдори", "Моддий ёрдам кўрсатилиши", "Ногиронлар меҳнати ва имтиёзлари", "Бошланғич синф ўқитувчилари меҳнатининг рағбатлантирилиши", "Тарбиявий ишларни олиб бориш тартиби", "Фойдаланилмай қолган маблағлар харажати"га оид саволларга вилоят ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, молия ва таълим бошқармаларининг бўлим мудирлари, касаба уюшма ташкилотлари вилоят бирлашмаси ва тармоқ кенгаши ҳуқуқшунослари қониқарли жавоб бердилар.

Тоҳиржон МАЪМУРЖОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгашининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими мутахассиси

Меҳнатдан келса бойлик...

ТОМОРҚАДАН ТОПИЛГАН ХАЗИНА

Ҳар қандай киши тўкин-сочинликда яшашни истайди. Аммо бунга эришиш осон эмас. Фикрлайдиган, ўз ишини режалаштира оладиган ва бу йўлда оқилона ҳаракат қиладиганлар мақсадга етадилар. Лекин инсон ҳаракатда бўлса-ю кўл урган ишини уддалашга етарли билими, ҳунари бўлмаса ҳам қийин. "Чиранма ғоз, ҳунаринг оз" деб бекорга нақл қилмаган халқимиз. Инсон ўз имкониятини тўғри баҳолай олиши муваффақият сари қўйиладиган биринчи қадамдир.

Мулоҳазаларимиз мутлақо ўзимизнинг ихтиёримизда бўлган оёқ остидаги имкониятлар ҳақида. Қишлоқларда ҳар бир оиланинг камида 7-8 сотих экин экадиган томорқаси бор. Бу ўлчам баъзан 0,3-0,4 гектаргача етади. Бундан етарлича фойдаланилаяптими? Ҳукуматимиз аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошираяпти. Бу масала давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ ажратилмоқда. Лекин қўлдан берганига қуш тўймас, деган гап бор. Одамларнинг ўзлари рўзғоридаги етишмовчиликка барҳам бериш, боқимандалик ботқоғидан чиқиш, даромадини ошириш учун бирор ҳаракат қиляптими? Гоҳида қишлоқлардаги айрим хонадонларнинг каттагина томорқаси бўш ётганини кўриб, элни тўйдирадиган ернинг умри увол бўлаётганига ачиниб кетасан киши.

Нарпайлик Аслиддин Номозовнинг томорқачилик тажрибаси кўпчиликка фаровон турмуш сабоғи бўлиши мумкин.

– Барча тенгдошларимиз қатори болаликдан меҳнатга ўргандик. Оиламизнинг асосий даромади томорқадан, – дейди у, – қишлоқда яшаб, мева-сабзавотни, сут-қатиқни бозордан сотиб олишни тасаввурга сиғдириб бўлмайди. Шунинг учун озгина ерда кўпроқ маҳсулот етиштиришга, чорва, парранда боқишга ҳаракат қиламиз. Уддабурон деҳқонлар ерни тайёрлашга, унинг ҳолатига алоҳида эътибор беришли. Етарлича гўнг солинган, қумоқ тупроқли ер афзалроқ кўрилади. Ҳаво бироз илиганда, бундай ер тез етилади. Деҳқонлар тилида "қантар оғди" деган пайт бўлади. Шу пайтда ер қизий бошлайди ва эртаги экинларни экса бўлади. Биз ҳам шундай қулай фурсат келганда, томорқанинг 0,10 гектарли қисмига плёнка остига эртаги картошка экамиз. Бироз вақт ўтиб, шунча майдонга эртаги бодринг экилади. Бу иккала экин май ойларига бориб, пировардида 2,5-3 млн. сўм даромад беради. Улар йиғиштириб олингач, кечки бодринг, помидор, карам каби бошқа экинлар экилади. Томорқанинг қолган озгина қисмида рўзғорбоп нўхат, помидор, кўкпиёз етиштирилади. Томорқадан чиққан бегона ўтлар молларга озуқа бўлади. Кузда эса томорқани ҳайдаттириб, исмалоқ уруғини септириб ташлайман. Бу ҳам яхши даромад берар экан.

Томорқа хўжалигини тўғри режалаштиришни Аслиддин Номозовдан ўрганиш керак шекилли. Унинг томорқасида 48 туп Қува анори, 6 туп эртапишар гилос, 5 туп ўрик, 4 туп катта ёнғоқ, 4 туп сариқ ва қора анжир, шунингдек, балхи тут, шотут, шафтоли, нок, эртаги ва кечки олма дарахтлари, 5 туп ток бор. Томорқанинг офтобрўялигига нисбатан экинлар эртапишарлиги ва бўйчанлиги бўйича жойлаштирилган. Бири иккинчисига асло ҳалақит бермайди. Бу оила 150 тагача товуқ, 5-6 бош қорамол, 4-5 бош қўй-қўзи ҳам боқади. Чорвачилик ва зироатчилик ўртасидаги табиий айланиш маҳсулдорлик ва ҳосилдорлик ошишини таъминлайди.

Бировнинг маблағини ҳисоблаш одобдан эмас. Аммо тахминий ҳисобимизча, бу оиланинг томорқадан оладиган йиллик соф фойдаси ўртача 5-6 миллион сўмни ташкил этар экан. Турмушидан, ҳатто замондан нолиб, хомхаёл суриб юрган баъзи кишилар ўз қўлларида ҳам мана шундай имкониятлар борлигини ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди. Озгина қунт, сабр-тоқат, қатъият керак, холос.

– Бизлар ҳали ҳеч нарсани қойиллатиб қўйганимиз йўқ, – дейди Аслиддин ака. – Тошработ қишлоғимизда Эшдавлат Сафаров, Ҳамро Эшқобилов, Аслон Раҳмонов, Муҳаммади Жумаев деган уста томорқачилар бор. Ана ўшалардан ўрганаман. Баъзида илмий-оммабоп китобларни қарайман. Фойдали тавсиялар асло зарар қилмайди. Баҳордан кеч кузгача ҳар куни эрталаб ва кечқурун 2-3 соатдан ишлаймиз. Дам олиш кунлари, табиийки, томорқадан чиқмайман. Қилинган тўйлар, қурилган уйлар, рўзғордаги тўкинлик мана шу меҳнатнинг орқасидан.

Бу сатрларни битишдан мақсад бировнинг туриш-турмушини, топиш-тутишини кўз-кўз қилиб, ҳамду сано ўқиб, бошқа бировга панд-насиҳат қилиш эмас. Гап шундаки, биринчидан, меҳнат қилган, ҳаракатда бўлган инсоннинг вужуди соғлом, руҳи тетик, фикри тиниқ бўлади. Иккинчидан, ихтиёрингизда оилангиз эҳтиёжидан ортиқча маҳсулот ва қўлингизда ҳунарингиз бўлса, харидор (мижоз), яъни пул оқиб келаверади. Учинчидан, фойдали иш билан машғул одамга ҳорлик ва муҳтожлик, касаллик, бадбин фикрлар яқин йўламайди. Бу ёғига қандай яшаш ўзингизга ҳавола.

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

ТАЖРИБА КЕНГ ЁЙИЛАДИ

Каттақўрғон туманида фаолият юритаётган «Кумуш тола» хусусий корхонаси касаначилар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилган семинарда бу хусусда алоҳида сўз юритилди.

- Туманлардаги аксарият аёлларимиз рўзғор ишлари билан банд, - деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Худойбердиева. - Шу боис улар учун уйларида буюртма асосида меҳнат қилиш ҳар томонлама қулай ва манфаатли. Ўтган йили туманлар ва вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Каттақўрғон туманида 100 ўринли ва Иштихонда 60 ўринли пиллани қайта ишлайдиган хусусий корхоналар ташкил этилди. Қувонарлиси, улар касаначилар билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатяпти.

Фарғона кимёвий толалар заводи нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ягона саналади. Афсуски, иқтисодий инқироза юз тутган завод фаолияти тўхтаб қолганди. Мутасадди ва мутахассисларнинг изланишлари бесамар кетмади. Айни кунларда барча цехларда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланилмоқда.

ҚАЙТА ОЁҚҚА ТУРДИ

- Корхонамиз қайта оёққа турганига бир ойдан ошди, бугунги кунда 841 нафар ишчи меҳнат билан банд, - дейди бош муҳандис Ҳасанжон Бадалов. - Маҳсулотларимизга ички ва ташқи бозорда талаб катта. Шу боис, барча ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш тадбирларини кўряпмиз.

Асосий хомашё - целлюлоза «Азот» бирлашмасидан олинмоқда. Аммо унга ёрдамчи бўлган ацетон ҳамда мойлаш маҳсулотлари Россия ва Германиядан келтирилади. Мазкур ёрдамчи хомашёларни олиб келишда бир қатор муаммолар мавжуд эди. Эндиликда бу ҳам ижобий ҳал этилиб, мазкур давлатлар билан тегишли шартномалар тузилди.

Заводнинг ҳозир 12 миллиард сўм кредиторлик қарзи бор. Айни кунларда ҳукумат кўмаги билан бу ерда молиявий соғломлаштириш чоралари кўриляпти.

Қисқа фурсат ичида корхонада 51 тонна ацетат ипларини ишлаб чиқаришга эришилди. Таққослама баҳода 388 миллион сўмлик бу маҳсулотлар Самарқанддаги «Темурбек Файз ММК» акционерлик жамиятига буюртма асосида етказиб берилмоқда.

Масала кўндаланг қўйилади

ЭЛЕКТРДАН ЎҒРИНЧА ФОЙДАЛАНИШ
давлат мулкига хиёнат

Очиғини тан олиш керак, ҳали-ҳануз жойларда электр энергиясини тежаб-тергаб, ундан оқилона фойдаланиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Бу ўта муҳим масала Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳам бежизга кўтарилгани йўқ. Юртбошимиз соҳа олдидаги муаммолар хусусида тўхталар экан, катта саъй-ҳаракатларга қарамай, электр тармоқларига ноқонуний уланиб олиш, энергиядан ўғринча фойдаланиш ҳоллари барҳам топмаётганига эътиборни қаратди.

Фарғона вилоятида бўлиб, вазиятни ўрганар эканмиз, истеъмолчилар томонидан йўл қўйилаётган қатор қоидабузарлик ҳолатларига ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Жумладан, Бувайда туманида ўтган йил давомида электр энергиясидан ҳисоблагичсиз фойдаланган юридик шахсларга тегишли 171 та бино тармоқдан узилди. Шунингдек, 1 минг 700 дан ортиқ ноқонуний энергиядан фойдаланиш ҳоллари аниқланиб, тегишли тартибда чора кўрилди.

— Қиш совуқ келгани боис истеъмол белгиланган кўрсатгичлардан бир неча баробар ортиб кетди, - деди туман электр тармоқлари абонент хизмати бошлиғи Раҳмонали Мамасолиев. – Ноқонуний тармоққа уланиб олиш ҳолатлари, айниқса, кўп кузатилаяпди. Кечқурун бўладиган қоидабузарликларни гапирмай қўя қолай. Биз уларга қарши курашишга жисмонан улгурмаяпмиз. Оқибатда ҳисоблагичдан ўтмаган электр энергияси корхонамиз бўйнига илиняпти. Бу ҳолат тўхтовсиз давом этаётгани, энг ёмони, унинг олдини олиш жуда қийинлиги бизни ташвишга соляпти.

Бешариқ туман электр тармоқлари назоратчилари 2005 йил давомида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганлиги учун аҳолига 3 минг 600 та, юридик истеъмолчилар ва хусусий тадбиркорларга нисбатан 377 та далолатномалар тузганлигининг ўзиёқ аҳвол қай даражада эканини тасдиқлайди. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ ҳозирги кунда келтирилган зарар тўлиқ ундириб олинди. Жумладан, туманнинг Оқтовуқ қишлоғида яшовчи Равшан Миртожиев хусусий тегирмонида ҳисоблагичнинг давлат муҳрини бузиб, таъминотчи корхонага 62 минг 280 сўм моддий зарар етказган. Халқлар Дўстлиги даҳасида яшовчи Отабек Исомиддинов эса ўзига қарашли савдо дўконида таъминотчининг рухсатисиз қўлбола иситиш мосламасидан фойдаланган. Унга нисбатан 58 минг сўм қайта ҳисоблаб берилди.

— Бундай ўғринча фойдаланиш ҳоллари бизда ҳам жуда кўп, - дейди Фарғона туман электр тармоқлари директори Шерхон Боратов. — Уларга тегишли чора кўраяпмиз. Лекин истеъмолчилар ҳам "анойи" эмас. Асосий ўғирликни кечқурун қилишади. 30-40 фоиз хонадонлар кечаси умуман ҳисоблагич орқали электр энергияси олмайди. Яна қанчадан-қанча истеъмолчи чаласавод электриклар ёрдамида ҳисоблагични орқага қайтаради. Очиғини айтиш керак, уларнинг ҳамтовоқлари ўзимизнинг назоратчилар орасида ҳам бор.

Олинаётган энергиянинг катта миқдорда ўғирланаётгани, боз устига тўлов интизомининг сустлиги сабабли туманда бажарилиши мўлжалланган қатор юмушлар режалигича қолиб кетди. Бу таъминот барқарорлиги йўқолишига, тармоқларнинг авария ҳолатига тушиб қолишига олиб келаяпти.

Тошлоқ электр тармоқлари абонент бўлими бошлиғи Абдужаббор Худойбердиевнинг хонаси истеъмолчилардан олиб қўйилган қўлбола иситиш воситалари билан тўлган. Биргина жорий йил январ ойининг ўзида аҳоли бўйича 273 та қоидабузарлик аниқланди. Хусусий тадбиркорларнинг 35 тасига нисбатан 822 минг сўмлик далолатномалар тузилиб, етказилган зарарни ундириш ишлари олиб бориляпти. Лекин аниқланаётган ҳолатлар йўқотилаётган бойликнинг ҳатто 5-10 фоизини ҳам ташкил этмайди. Шунинг учун янги чоралар изланаяпти.

— Ноқонуний ҳолатларни аниқлаш, қарзларни ундириш ишларида маҳалла кўмагига таяняпмиз, - суҳбатни давом эттиради "Фарғона электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси Тўлқин Ибрагимов. - Чунки маҳалла кўмиталари ўз ҳудудининг иссиқ-совуғидан хабардор. Бу ерда ҳамма бир-бирини беш қўлдай билади. Бунинг устига жамоатчилик назорати катта самара бериши тажрибада кўп синалган.

Бундан ташқари, электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш янада жадаллаштирилмоқда. Чунки эски ускуналар ўз вазифасини ўтаб бўлди. Улар ҳозирга келиб 30-35 фоизгача хатолик билан ишлайди. Бу ҳам таъминотчи корхонага катта зиён келтиряпти.

Фарғоналик нурчилар яна бир тажрибани амалиётга жорий этишди. Назоратчиларга ишбай ҳақ тўланадиган бўлди. Унда назоратчи ҳар бир хонадонни кўрикдан ўтказгани учун ҳақ ёзилади. Бу ходимнинг хонадонга қисқа муддатда кириб ҳисоблагич кўрсаткичини ёзиб боришига қулайлик туғдиради. Натижада электр энергиясидан ўғринча фойдаланиш, ҳисоблагични орқага қайтариш ҳолатларининг олди олинади.

Нодиржон ЮСУПОВ,
"Ишонч" мухбири

Ислоҳот мевалари

КОРХОНА КЕНГАЙСА

камида 20 та иш ўрни яратилади

Иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришнинг асоси ҳисобланган маҳаллий хом ашёдан бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури Навоий вилоятда муваффақиятли амалга оширилаяпти.

Йирик саноат корхонаси "Электркимё" заводида замонавий технологик базани яратиш, тармоқни замонавийлаштиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Корхонада қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши ишлатиладиган зарур воситалар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунинг билан бирга халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳам кўпайтирилаяпти. Ўтган йилда 16,5 миллиард сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилиб, режа ошиғи билан уддаланди.

Вазирлар Маҳкамасининг Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида янги қувватлар ўзлаштирилаяпти. Саноат дарғасида рақобатга бардошли маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтиришга масъулият билан ёндошилаётганлиги туфайли олинаётган даромад миқдори ортмоқда.

Олимлар билан ҳамкорликда иш олиб борилиб, трипс ва бошқа зараркунандаларга қарши ишлатиладиган ва ғўза баргини тўкишда фойдаланиладиган экологик зарарсиз янги химикатлар тайёрланди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ҳам жиддий аҳамият берилаяпти. Завод ёнида ташкил топган "Элтус" корхонаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Бу ерга йодланган ош тузи тайёрлайдиган янги ускуналар келтирилиб, ўрнатилди. Ушбу маҳсулот инсоннинг йод моддасига бўлган кунлик эҳтиёжини қондиради. Чунки йод танқислиги нафақат бўқоқ касаллигига олиб келади, балки кишиларнинг ақлий салоҳиятини сусайтириб, хотира ва зеҳнининг пасайишига сабаб бўлади. Аҳолини бундай маҳсулотлар билан таъминлаш учун махсус корхона ташкил топганлиги нур устига аъло нур бўлди.

Қўнғирот конидан келтириладиган хом ашё тайёр бўлгунига қадар хорижий давлатлардан келтириб ўрнатилган ускуналар билан ҳар хил зарарли моддалардан тозаланади. Чиройли халтачаларда қадоқланиб, савдо ташкилотларига жўнатилади. Бултур истеъмолчиларга 5 минг тонна йодланган ош тузи етказиб берилган бўлса, жорий йилда бу рақам 6 минг тоннага етади. Аҳил ва иноқ жамоа аҳоли соғлигини муҳофазалашга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга буюртмачиларга жўнатилган маҳсулотдан катта фойда олмоқда.

Вилоятда 14 мингдан ортиқ кичик тадбиркорлик субъектлари ишлаб турибди. Яқинда Кармана туманида сутни қайта ишлайдиган кичик корхона фойдаланишга топширилди. "Пахтабанк"нинг туман филиалидан 25 миллион сўм имтиёзли кредит олган маҳаллий тадбиркорлар И.Саидов ва О.Шариповнинг саъй-ҳаракати билан кунига 5 тонна сутни қайта ишлайдиган хориж технологияси ўрнатилди. Ҳозирги кунда 10 турдаги сут маҳсулотлари савдо тармоқларига, биринчи навбатда шифохона ва болалар боғчаларига етказиб берилаяпти.

"Навбаҳор" туманидаги С.Жўраев номли фермерлар уюшмасининг "Ҳаловат-тепа" маҳалласида ўз фаолиятини бошлаган "Насиба чевар" кичик корхонасида йигирмага яқин хотин-қиз касб ўрганиб, тикувчилик билан шуғулланяпти. Тадбиркор аёл Н.Жапақова маҳалла фуқаролар йиғининг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши туфайли шахсий маблағи ҳисобига янги бино барпо этди. Ўнта тикув машиналари сотиб олиб, хотин-қизларга касб ўргатди. Тикувчилар қўлидан жило топган бежирим ва сифатли кийимкечаклар мижозларга манзур бўлаяпти.

— Корхонани кенгайтириб, камида яна 20 та иш ўрни яратамиз, - дейди жамоа етакчиси Насиба опа Жапақова. — Яқинда қуриб битказилган маҳалла гузарида савдо дўкони, сартарошхона, радио, телевизор тузатиш устахонаси ва қариялар чойхонаси очдик. Маҳалладошларимиз бундай хизматларга эҳтиёжларини қондириш учун туман марказига қатнаш ташвишидан қутулдилар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшмалари ва ёшлар тарбияси

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ АСОСИДА

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳар томонлама етук, баркамол авлодни камолга етказишга қаратилган.

Ана шу меъёрий ҳужжатларда қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, касаба уюшмалари туман кенгаши умумтаълим мактабларида таълим-тарбия самарадорлигини таъминлаш, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Ҳудудий тармоқ келишуви ва жамоа шартномалари таълим муассасаларида иш берувчи билан педагог ходимлар ўртасида меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга доир муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бошланғич ташкилотларда маънавий психологик муҳитни яхшилаш, ҳуқуқий ҳимоя тизимини яратиш, кадрларнинг юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари билан доимий шуғулланаяптилар. Кам таъминланган оилалар ва фаол ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда маъмурият билан ҳамкорликда иш олиб борилаяпти.

2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан тегишли дастур ишлаб чиқилиб, ижроси қатъий назоратга олинди. Мактаблар ва болалар боғчаларида ўтказилган "Барчиной", "Алпомиш" мусобақалари ва туман спартакиадасида ғолиб чиққанлар ҳомий ташкилотлар томонидан тақдирланди. Марҳум спорт устаси И. Бўриев ва Т.Жўраев ҳотираларини абадийлаштириш мақсадида спортнинг миллий кураш тури бўйича турнир уюштирилди.

Ижтимоий ҳимоя доимий эътиборда. Таълим-тарбияни ривожлантириш ва ёш авлодни тарбиялашдаги муносиб хизматлари учун нафақага чиққанлар мукофотлар билан тақдирланди. "Меҳрибонлик уйи" хизматчиси А.Барадуллина фарзандининг тўйини ўтказишга ёрдам кўрсатилди. Соғломлаштириш учун 13 дона имтиёзли йўлланма олиб берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилардан 34 нафари, фаол касаба уюшма аъзоларидан 26 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Тумандаги 1-, 17- ва 61- умумтаълим мактаблари касаба уюшма ташкилотлари жамоа шартномаларида кўрсатилган бандларнинг бажарилиши устидан изчил назорат ўрнатишган. Ўтказилган кўрик-танловда Б.Бозоров раҳбарлик қилаётган 17-мактаб "Энг намунали касаба уюшма ташкилоти" деб топилиб, тажрибалари оммалаштирилди.

Ҳудудда 84 та мактаб бўлиб, уларда 56 мингдан ортиқ ўғил-қиз таълим-тарбия олаяпти. Олиб борилган мониторинг натижалари кўрсатиб турибдики, тумандаги 10-, 13-, 18-, 23-, 24-, 33-, 64-, 70-мактабларда ходимлардан тушаётган ариза ва шикоятлар камайган эмас. Бундай нуқсонлар жойларда меҳнат муҳофазаси тўғри ташкил этилмаганлиги, раҳбарлар ва касабақўмлар ҳамкорликда иш олиб бормаётганлиги, ҳуқуқий саводхонлик талаб даражасида эмаслигини кўрсатиб турибди. Жамоа шартномалари ва келишувлари меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш ва одамларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади. Ҳар бир ходим ўз жамоасида меҳнати тўғри муҳофаза қилинаётганлиги, ижтимоий имтиёз ва кафолатлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганлигини ҳис этган тақдирда муваффақиятга эришилади.

Ю.ЭШБЎРИЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Қамаши туман кенгаши раиси

Сумалак – баҳор таоми. Наврўз дастурхони кўрки.

Азалий, тўйимли, минг дардга малҳам бўлгувчи таом. Уни момоларимиз "Биби Фотимамнинг оши табаррук" дейишлари бежиз эмас. Шу боис бўлса керакки, қутлуғ Наврўз айёмига атаб сумалак пиширилади.

Айни баҳорнинг илк кунларида барча хонадонларда сумалак пиширишга тараддуд кўрилган десак муболаға бўлмас. Термиз туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Гулизода Саидова ҳам момолари анъанасини давом эттириб, яхши ният билан хосиятли таом – сумалакни яқинларига, қўшниларига улашди.

Яна бир қувончлиси, Гулизода Саидова ҳовлисида бодом, ўрикнинг очилган қийғос гуллари кўни -қўшнию, меҳмонларга ўзгача завқ-шавқ бағишлади.

Суратда: сумалак пиширишни пайти.
И.ХЎЖАЕВ, М.АМИН (ЎзА) олган суратлар

Кўрик-танлов

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЖАНГОВАРЛИГИ УЧУН

Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раёсати "Бошланғич касаба уюшма ташкилоти жанговарлиги учун" шиори остида вилоят кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

2006-2010 йилларда ҳар йили уч босқичда ўтказиладиган бу тадбирдан кўзланган мақсад Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастури, Федерациянинг IV қурултойи ҳамда вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг IV конференцияси қарорларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган. Кўрик-танлов касаба уюшмалари сафларини мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотлар ролини кучайтириш, касаба уюшма қўмиталари раислари ва касаба уюшма ташкилотчиларининг шахсий масъулиятини кучайтиришга ёрдам беради.

Танловда вилоят тармоқ касаба уюшма органларининг барча ташкилотлари иштирок этадилар. Унинг Низомига мувофиқ 2006 йилдан бошлаб ҳар йили биринчи босқич август-сентябр ойларида шаҳар ва туманларда, иккинчи босқич октябр-ноябр ойларида вилоят тармоқларида, учинчи босқич эса декабр ойида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида ўтказилади.

Кўрик-танлов иштирокчилари энг аввало, касаба уюшма аъзоларининг фаоллигини оширишлари, ходимлар учун тегишли меҳнат ва яшаш учун зарур шарт-шароитларни яхшилашлари, маънавий-маърифий, маданий ва спорт ишларини ривожлантиришлари шарт, – дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси ўринбосари Қобил Боболов. — Ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, болалар ва ўсмирларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш ва уларнинг соғломлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилади.

"Бошланғич касаба уюшма ташкилоти жанговарлиги учун" шиори остида ўтказиладиган кўрик-танловнинг биринчи ва иккинчи босқич ғолиблари тармоқ касаба уюшма органлари томонидан муносиб тақдирланади. Танловнинг якуний босқичи ғолибларига, жумладан, 1-ўрин учун I даражали диплом ҳамда республика сиҳатгоҳларидан бирига бепул йўлланма, II, III ўринлар учун махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар берилади. Қолган ўрин ғолиблари вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланадилар.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Менга сўз беринг

Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Зеро, соғлом фикрли авлод ҳар қандай давлатга катта куч бағишлайди. Шуни инобатга олган ҳолда, университет маъмурияти ҳамда талабалар касаба уюшмаси томонидан 2005-2006 ўқув йиллари учун мўлжалланган тадбирлар амалга оширилмоқда.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАДА ГАП КЎП...

Хусусан, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан даволанишга муҳтож талабаларни аниқлаш ва уларга яқиндан ёрдам бериш мақсадида соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда спорт муҳим рол ўйнайди, албатта. Шу маънода, талабалар касаба уюшмаси саъй-ҳаракати билан бир гуруҳ талабаларнинг Митрафанов номли сузиш ҳавзасида шуғулланишлари учун имконият яратиб берилгани айни муддао бўлди. Қолаверса, спортда ютуқларни қўлга киритаётган талабалар муносиб рағбатлантирилмоқда. Жумладан, 2005 йил Олий ўқув юртларияро ўтказилган шахмат мусобақаси совриндори Екатерина Ким ҳамда Самарқандда ўтказилган "Универсиада"нинг олтин медал соҳиби Равшан Ҳабибуллаевга уюшма қарофига кўра ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Бундан ташқари, яна бир гуруҳ талабалар республика тил ўқитиш марказида бир неча чет тилларини ўрганаётирлар ва компьютерни ўзлаштириш курсларида таҳсил олишаётир. Аммо эътирозлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, талабаларни ётоқхона билан таъминлаш масаласи ечимини кутаётган муаммо сифатида кўзга ташланаётир. Тураржойга муҳтож 2700 талаба дан 730 нафаригина ётоқхона билан таъминланган.

Муҳайё ЖЎРАЕВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг 1-курс талабаси

Қисқа сатрларда

ХУДОЙҚУЛ ОТАНИНГ «ТЕЗ ЁРДАМИ»

Сирдарёлик Худойқул ота Раҳмонбердиевнинг шахсий маблағи ҳисобидан бунёд этилаётган маҳалла гузарининг биринчи қавати тўлиқ битди. Бу ерда аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, тикувчилик цехи ва бошқа бир қанча маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган. Бинонинг иккинчи қавати тўй-маросимлар учун мўлжалланган.

Мазкур гузар Боёвут туманининг ""Деҳқонобод" фермерлар уюшмаси ва унга чегарадош Боёвут разъездининг 4 минг нафардан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатади. Бино Наврўз тантаналари арафасида фойдаланишга топширилади. Худойқул ота қурган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам аҳоли хизматида.

Отахоннинг савобли ишлари кўп. Икки йил муқаддам ўз сармояси ҳисобидан қишлоқ врачлик пункти қурдирган эди. Ташландиқ ерда қад ростлаган тиббиёт масканида икки нафар умумий амалиёт шифокори ва саккиз ҳамшира меҳнат қилади. Отахон келаётган Наврўз байрамига қадар мазкур шифо масканига «Тез ёрдам» машинаси олиб беришни ният қилган.

КЎНИКМАЛАР СИНОВИ

Ўрта-махсус билим юртларида ёшларга касб ўргатиш билан бирга истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳақида ҳам кенг тушунча берилмоқда. Амударё туманидаги касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» танлови бу борада ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини яна бир бор синовдан ўтказди.

Танловда коллеж ўқувчилари билан бирга корхона ва ташкилот ходимлари ҳам иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида тумандаги «Дўрман» қишлоқ хўжалик касб- ҳунар коллежи жамоаси биринчи, маиший хизмат кўрсатиш корхонаси жамоаси иккинчи ва «Манғит» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Шахсий биринчиликда «Дўрман» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Улуғбек Жумамуратов ғолиб чиқди. Иккинчи ўрин маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ходими Рафиқ Давлатовга насиб этди, учинчи ўрин «Манғит» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Мунира Мадраҳимовага тегди.

БУЮРТМА ШАРОФАТИ

Навоий шаҳридаги «Ўзбекэлектроремонт» масъулияти чекланган жамияти мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан. Унда 1 киловаттдан 3200 киловаттгача қувватга эга электрдвигателлар ҳамда 2500 ампергача кучланишли трансформаторлар таъмирланади.

Шу боис корхонага Навоий кон-металлургия комбинати, унинг кон бошқармалари, Муборак нефть ва газни қайта ишлаш корхонаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги, насос электр станцияси бошқармалари каби кўплаб йирик корхона, ташкилот, муассасалардан узлуксиз буюртма тушиб туради.

(ЎзА)

«ТАШАББУС-2006»

«Ташаббус-2006» республика кўрик- танловининг вилоят босқичида кичик бизнес, фермер ва ҳунармандларнинг эллиқдан ортиқ вакили иштирок этди.

Унинг натижаларига кўра, Уйчи тумани «Аллоҳобод» хусусий кичик корхонаси раҳбари Тоҳиржон Қосимов, Косонсойдаги «Чашмаи Сафед» қишлоқ хўжалиги корхонаси директори Ҳамидхон Мўйдинхўжаев, чустлик пичоқчи уста Собиржон Мамажонов ғолиб деб топилди.

ФАРОВОН ҲАЁТ САРИ

Республикада барқарор иқтисодий ўсишни, бандликни ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришлар қилишни тақозо этади. Ушбу йўналишда энг муҳим вазифалардан бири – саноат ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жойлашуви ва таркибий такомиллаштириш масаласи ҳисобланади. Бунинг учун маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш билан шуғулланадиган ва рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этишга устувор аҳамият берилиши лозим бўлади. Маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлаштириш, бозор ва институционал ҳамда иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларнинг кўшиб амалга оширилиши натижасида МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб барқарор ўсиш йўлига ўтди. Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг изчиллиги таъминланмоқда. Кейинги 10 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳар йили мунтазам равишда ошишига эришилди. Масалан, ЯИМ олдинги йилга нисбатан 1996 йилда 101,7 фоиз, 1997 йилда 105,2 фоиз, 1998 йилда 104,4 фоиз, 1999 йилда 104,3 фоиз, 2000 йилда 104,0 фоиз, 2001 йилда 104,5 фоиз, 2002 йилда 104,2 фоиз, 2003 йилда 104,4 фоиз ва 2004 йилда 7,7 фоиз ва 2005 йилда эса 7 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг ўсиш кўрсаткичи 2000 йилга нисбатан 2005 йилда 30,1 фоизни, 1991 йилга таккослаганда эса 28,2 фоизни ташкил этди.

Бундай ижобий ўзгаришларни саноатда ҳам кўриш мумкин. Олдинги йилга нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1997 йилда 106,5 фоиз, 1998 йилда 105,8 фоиз, 1999 йилда 106,1 фоиз, 2000 йилда 106,4 фоиз, 2001 йилда 107,1 фоиз, 2002 йилда 108,5 фоиз, 2003 йилда 106,2 фоиз, 2004 йилда 9,4 фоиз, 2005 йилда 7,3 фоизга кўпайган. Умуман саноат маҳсулотлари мустақиллик йиллари давомида 36 фоиздан ортиқроқ ўсди, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2002 йилдаги 14 фоиз ўрнига 2005 йилда 20,7 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш тизимини ташкил этишни яхшилаш бўйича амалга оширилган ташкилий-иқтисодий чоралар 2005 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 6,2 фоиз ўсишини таъминлади. Бу ўсишга асосан чорвачилик маҳсулотларининг кўпайиши ва фермерликнинг ривожланиши ҳисобига эришилди.

Шу билан бирга айтиш лозимки, кейинги 10 йил давомида кузатилган ялпи ички маҳсулот ўртача йиллик ўсиш суръатининг 4-5 фоиз бўлиши эндиликда бизни қониқтирмайди. Шу боисдан келажакда, яъни 2010 йилга келиб, ЯИМ ўртача йиллик ўсиш суръатини 7-8 фоиз га, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатини 9-10 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш суръатини 6-7 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. 2010 йилгача бўлган даврда ЯИМнинг таркиби ҳам ўзгариб, даромадлар бўйича таркибида иш ҳақининг улуши ҳозирги 35 дан 60-65 фоизга ўсиши оқибатида аҳоли турмуш даражасининг кескин яхшиланиши кўзда тутилмоқда. Шу даврда саноат маҳсулотлари ҳажми 2,3-2,5 баробарга ўсади. Таркибий ўзгаришлар оқибатида иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган таркибий тузилиши вужудга келади. Натижада 2010 йилга келиб, экспорт ҳажми 3 баробардан зиёдга кўпайтирилади ҳамда унинг ЯИМдаги улуши 40-50 фоизга етказилади. Экспорт таркибида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши 15-17 фоизга етказилгани ҳолда пахта толасининг улуши мустақилликнинг биринчи йилларидаги 50 фоиздан 14-16 фоизгача қисқартирилади. Масалан, 2000 йилда экспорт таркибида пахта толасининг ҳиссаси 27,5 фоиз бўлган бўлса, 2005 йилда 19 фоизни ташкил қилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, таркибий ўзгаришлар ҳар бир йўналишни амалга оширишда инвестицион сиёсатни тубдан ўзгартиришни талаб этади. Президентимиз таъкидлаганларидек "Иқтисодиёт тузилиши қайта қурилишининг белгиланган йўналишлари, экспорт имкониятининг кенгайишига бақувват инвестиция сиёсати ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур".

Инвестиция сиёсатини ўзгартиришнинг моҳияти шундан иборатки, у бутун иқтисодиётга энг аввало барча ресурслардан инсон манфаатлари йўлида самарали фойдаланишга йўналтирилганидадир. Бунда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизматлар ҳажмини кўпайтириш асосий вазифадир. Бу вазифаларни бажариш учун инвестициялашнинг барча манбаларидан фойдаланиш зарур (бюджет маблағлари, ташқи кредитлар, тўғри инвестициялар ва бошқалар).

Марказлаштирилган ҳолда маблағ билан таъминлаш ҳажми қисқараётган бир пайтда корхоналар ва аҳолининг хусусий маблағ – қўйилмалари кескин ошиб бормоқда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва тижорат банклари ресурслари фаол жалб этилмоқда. Буни 2005 йилда номарказ инвестиция манбалари улуши 76,6 фоизни ташкил этгани, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми эса қарийб 1,5 баробар кўпайгани ҳам кўрсатиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши натижасида Россиянинг Ўзбекистон ҳудудига киритадиган инвестицияларининг аҳамияти беқиёсдир. Бунга Ўзбекистон билан Россиянинг Газпром очиқ акциядорлик жамияти ўртасида имзоланган шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу шартномаларга биноан, "Газпром" Ўзбекистон Республикаси Уст-юрт минтақасида газ конларини излаб топиш ва ўзлаштириш учун 660 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфлайди. Газпромнинг Ўзбекистонга киритилаётган сармояси умумий ҳисобда 1,5 миллиард доллардан ошади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот йил сайин ортиб бормоқда, масалан, бу кўрсаткич 2001 йилда 611,7 млрд. сўм бўлган бўлса, 2002 йилда 871,3 млрд. сўм, 2003 йилда эса 1441,3 млрд. сўм, 2004 йилда 1968,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Ёқилғи, кимё ва нефткимё, енгил, озиқ-овқат, электротехника саноати ва автомобилсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. 2004 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига республикадаги умумий экспортнинг 16,2 фоизи ва импортнинг 30,5 фоизи тўғри келди.

Республикада 2004 йилда хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган ва хизмат кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг 429 таси саноат бўйича, 483 таси эса савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари бўйича фаолият олиб бормоқда. Бундай қўшма корхоналарнинг 50 фоизидан ортиғи савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият, санъат, сайёҳлик ва бошқа соҳалар билан боғлиқдир. Шу билан бирга бу соҳада айрим камчиликлар ҳам мавжуд.

Кейинги беш йил давомида (2001-2005 йиллар) рўйхатга олинган чет эл корхоналаридан фақат 61,6 фоизи фаолият кўрсатган, 38,4 фоизи эса маҳсулот ишлаб чиқармаган ва хизмат кўрсатмаган. Ҳисоб-китобларга кўра 2003 йилда барча рўйхатга олинган корхоналар фаолият кўрсатганда эди, қўшимча равишда 861,1 млрд. сўмлик, 2004 йилда эса 616,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизмат кўрсатилган шунингдек, бир қанча ишчи иш билан таъминланган бўлур эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг энг муҳим масалаларидан бири бу бандлик муаммосидир. Шунинг учун ҳам ишчи кучи бандлиги борасида бир қатор зарур ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий этиши ҳисобига якка тартибда иш билан банд бўлганлар сони ортиб бормоқда, давлат тасарруфида ишлаётганлар сони камайиб бораётир. Бу борада

ҚАЕРДА, ҚАЧОН, НЕГА?

ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ

ВАКОЛАТХОНА ЯҚИНИДА ПОРТЛАШ



АҚШнинг Корачи шаҳридаги ваколатхонаси яқинида юз берган портлаш натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди. Терроршилик ҳуружи бўлган жойда ўз хизмат бурчини ўтаётган шифокорларнинг сўзларини эфирга берган Покистон телеканали шу ҳақда хабар тарқатди.

Маълумотларга қараганда, ярадорлар сони 30 кишидан ошади, уларнинг айримлари оғир аҳволда. Халок бўлганлардан бир киши соқчи бўлиб, ярадорлар орасида ҳам бир қанча ҳарбийлар бор. Жабрланганлар ўртасида ҳарбийларнинг бу даражада кўплиги Исломободга АҚШ президентининг сафари билан бевосита боғлиқ.

Америка ваколатхонаси ходимлари ўртасида жабрланганлар йўқ.

ҲУКУМАТ РАҲБАРИНИНГ ИСТЕЪФОСИ

Чеченистон Республикаси президенти Алу Алханов ҳукумат раҳбари Сергей Абрамовдан истеъфога чиқиш тўғрисида ариза олганлигини тасдиқлади. Собиқ бош вазир бунга сабаб қилиб соғлиғи ёмонлашганлигини билдирган. Дарҳақиқат, у ўтган йили автомобил ҳалокатига учраган эди. Абрамовнинг ўрнини ким эгаллаши масаласи ҳамон очиқ турибди. Экспертларнинг фикрича, бу лавозим ҳозирда бош вазир вазифасини бажараётган Рамзан Қодировга топширилиши мумкин.

ЎГАЙ ОНАНИНГ ЭЪТИРОФИ

Кейинги йилларда Россиядан океан ортига кўплаб ёш болалар асраб олиш учун турли оилаларга бериб юборилганлиги ҳақида эшитганимиз бор. Инсонийлик нуқтаи назаридан бу яхши, албатта. Лекин вақт-бевақт асранди болалар ўгай ота-оналар томонидан таҳқирланаётгани, хатто жисмоний жароҳат етказишгача борилаётгани тўғрисида хабарлар тарқатилаётир.

Шундай ишлардан бири Вирджиния штатининг Манассас округ судида кўриб чиқилди. Америкалик Пегги Сью Хилт асранди қиз Нинанинг ўлимида ўзининг айбдор эканлигини тан олди. Хилтни 5 йилдан 40 йилгача бўлган қамоқ жазоси кутмоқда. Ҳукм 25 майда чиқарилади.

Нина Иркутскдаги болалар уйи тарбияланувчиси эди.

ҚУШЛАР ҚИРИЛИБ КЕТМОҚДА

Россиянинг жанубий ҳудудларида "парранда гриппи"дан минглаб қушлар қирилиб кетмоқда. Лаборатория текшируви Кабардин-Балқорияга учиб келган ёввойи ўрдаклар ўртасида ҳам хатарли вирус билан касалланганлик мавжудлигини тасдиқлади.

Краснодар ўлкасида эса ушбу хасталик туфайли 16 мингдан зиёд товуқ ҳалок бўлди.

Маълумотларга қараганда, Кубан шаҳридаги "Тбилисская" парранда фабрикасида

ўлган товуқлар сони 120 мингга етган.

Ўтган ҳафтада Доғистонда 900 дан зиёд қуш "парранда гриппи"дан жон таслим қилган. Феврал бошидан буён ҳалок бўлган қушлар сони қарийб 53 мингтага етди. Энг биринчи касаллик аломати эса 25 февралда "Эльдама" парранда фабрикасида қайд қилинганди. Ушанда Карабудахкент районининг ўзида бир ҳафта ичида 350 мингта парранда қирилиб кетганди.

ХАЛҚАРО АВТОСАЛОН

Женева халқаро автосалонини кўплаб экспертлар "жаҳон автогигантларининг кибрҳаво кўргазмаси" деб атамоқдалар. Бу бежиз эмас. Фақат янги русумдаги ёки янгича кўриниш олган машиналар турининг ўзи 140 та. Швейцария ўз автомобил саноатига эга эмас. Демакки, ушбу машиналар шу ернинг ўзидаёқ мижозларини топиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Интернет хабарлари орқали тайёрланди

Савол: касбимиз ўқитувчи, мактабда 2003 йилдан буён лаборант ва кутубхоначи бўлиб ишлаб келмоқдамиз, бизга компенсация тўланадими?

О.ЧОРИЕВ лаборант,
Д.ИМОМОВ кутубхоначи,
Миришкор тумани

КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНАДИМИ?

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

Жавоб: 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб маориф ходимларидан қуйидагиларига уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари иш ҳақига қўшиб берила бошланди:

— педагогик маълумотга эга ўқитувчилар, тарбиячилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, инструктор-методистлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари концертмейстрлари, тренер стажига эга тренер-ўқитувчилари;

— педагогик маълумотга эга тарбиячилар, барча турдаги умумий таълим мактаблари концертмейстрлари;

— педагогик маълумотга эга "Меҳрибонлик уйи" психологлари, тарбиячилари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари;

— педагогик маълумотга эга тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасалари ва мактаб болалар боғчаси психологлари;

— педагогик маълумотга эга ўрта махсус таълим академик лицейлари, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

— педагогик маълумотга эга бўлган барча турдаги мактаб ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

— профессор-ўқитувчилар таркиби, ректорлар, ўқув илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлар, филиалларнинг директорлари ҳамда ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, олий ўқув юрти ҳисоб маркази бошлиқлари инженерлари;

— бировнинг ёрдамига муҳтож ёлғиз пенсионерлар ва юқорида қайд этиб ўтилган тоифадаги шахслар 10 йиллик педагогик стажга эга бўлган пенсионерларга ҳам компенсация пули ойлик пенсияларига қўшиб берилади. Бироқ, қонунчиликда лаборант, кутубхоначи назарда тутилмаган.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ЭЛ НАЗАРИДА

Мастура опа Пўлатовани нафақат Олтиариқ тумани, балки бутун Фарғона вилоятида яхши билишади. Ўзининг ҳалол меҳнати, фидойилиги, тадбиркорлиги билан элнинг назарига тушган опахон «Олтин кўз» хусусий биолабораториясини ташкил этиб, пахта ва ғалла зараркунандаларига қарши кимёвий воситаларсиз ҳам курашиш мумкинлигини амалда исботлади.

- Агрономлигим, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 30 йиллик иш тажрибам катта ёрдам берди, - дейди М.Пўлатова. - Амалга ошираётган ишларимиз самараси ўлароқ, деҳқонларимиз биологик усулнинг афзалликларини тушуниб етмоқдалар.

Мазкур лаборатория ўтган йилни икки миллион сўм соф фойда билан якунлади. Айни кунларда биолабораторияда ишлаётган 11 нафар ходимнинг қўли-қўлига тегмайди. Ғалла зараркунандаларига қарши ҳашаротлар кўпайтирилмоқда.Фермер хўжаликларига 30 дан ортиқ назоратчи бириктирилган. Шу билан бирга Олмазор, Зураймомо, Чинорҳаги маҳаллаларида аҳоли хўжаликларига ҳам бепул хизмат кўрсатиляпти.

Белгиланган хизмат ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда турли кўринишдаги қонунбузарликларнинг содир этилишига йўл қўймаслик ЙПХ инспекторларининг асосий вазифасидир. Хусусан, Самарқанд ИИБ ЙҲХБ 3-отряд ходимлари ана шундай масъулиятни ҳис қилган ҳолда хизмат қилаяптилар.

Суратларда: вилоят ИИБ ЙҲХБ 3-отряд ЙПХ катта инспектори, катта лейтенант Ўткир Эшмуродов ва карантин хизмати ходими сержанти Умрзоқ Пўлатов "Меҳнаткаш" блок постида хизмат пайтида; 3-отряд ЙПХ катта инспектори, капитан Азамат Воҳидов ҳамда ЙПХ инспектори, сержант Розиқ Жумаев ҳайдовчининг ҳужжатларини текширмоқда.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Белорусь пойтахти Минск шаҳрида самбо бўйича ўтказилган халқаро турнирда 17 давлатдан келган спортчилар қаторида ўзбекистонлик Дамир Мухидов - кумуш, Қодир Султонов ва Элдор Ғуломов бронза медални қўлга киритди.

ЖУРАВЛЁВА - КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБАСИ

Грециянинг Пирей шаҳрида енгил атлетика бўйича хотин- қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда уч ҳатлаб сакраш бўйича Ўзбекистон чемпиони Анастасия Журавлёва 14 метр 24 сантиметр натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА)

БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ

Ромитанлик газчилар ўтган йили аҳоли яшаш пунктларига газ етказиб беришни яхшилаш мақсадида яна бир хайрли ишга қўл урдилар. Туман бўйича 7,7 километр газ қувурлари тортилди. Қўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги янгидан ташкил этилган Атвор қишлоғи аҳолиси қувончига қувонч қўшилди. Бу ерда 1,5 километр масофада газ қувурлари тортиб келтирилиб хонадонлардаги газ ўчоқларида «Зангори олов» ёна бошлади. Бундан ташқари, кўплаб аҳоли турар жойларидаги эскирган газ қувурлари янгиланди.

Ромитанликлар биринчилардан бўлиб хонадонларга газ ҳисоблагич ўрнатишни ҳам ниҳоясига етказдилар. Қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги газ тўловларини мунтазам бажариш имконини бермоқда.

ҚАРИЯЛАР ЭЪТИБОРДА

"Когондонмаҳсулотлари" очиқ ҳиссадорлик жамияти нафақат ишловчиларни, шу корхонада ишлаб, пенсия гаштини сураётган қарияларни ҳам доимий ғамхўрлик қуршовига олмоқда. Корхона касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан 58 нафар пенсионернинг турли байрам саналари муносабати билан аҳволидан доимий хабардор бўлиб турилибди. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, отахон Хайрулло Исматовнинг кўзини операция қилиш учун шифохонага 100 минг сўм пул ўтказилди. Якка-ёлғиз пенсионер С.Мамедовани уйи бепул таъмирдан чиқарилди. Пенсионерларнинг санаторий-профилакторийларда дам олиш ҳақидаги мурожаатлари ҳам эътиборсиз қолдирилмаяпти.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Аҳолини, айниқса аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Шу боис Косонсой туманида бу борада муҳим қадамлар қўйилмоқда. Масалан, банк томонидан "Ширин" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги уч нафар, "Қўқимбой" маҳалласидаги бир нафар тадбиркорга 12,1 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Белгиланган тадбирга асосан 3050 бош парранда сотиб олиниб, 141 иш ўрни яратилди. Туманда хотин-қизларни буюртма асосида иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунгача 1504 нафар аёл шу йўл билан янги иш ўринларига эга бўлди.

Бу борада меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти салмоқли бўлмоқда. Жумладан, ўтган йили ўтказилган 5 та меҳнат ярмаркасида 130 нафар киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган бўлса, уларнинг 62 нафарини аёллар ташкил этди.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
"Ишонч" мухбири

Қонун барчага баробар

Иқтисодий ислоҳотларни жадал ривожлантиришда конун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, хўжалик юритиш ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ҳамда бошбошдоқликлар иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз миқёсида бундай қонунбузилишларга нисбатан кескин чора-тадбирлар қўрилаётганлиги давлат ва халқ мулки талон-тарож этилишининг олдини оляпти.

ТЎҒРИ ЙЎЛ ҚОЛИБ

эгри йўлга ўзини урганларнинг бири икки бўлмайди

Бўлимимиз ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан олиб борилган текширувлар жараёнида туман ҳудудида газ ёқилғисидан ноқонуний фойдаланилаётганлигини тасдиқловчи қатор ҳолатлар аниқланди. Хусусан, фуқаролар О.Дусболов, Э.Бугибаев, Д.Хайтбаев, А.Раҳматуллаев, Р.Аҳмедов, А.Бекмурадов, Р.Акбаров, К.Холбажанов, Ш.Ғафаров тегишли идоралар рўйхатисиз ўзларига қарашли иссиқхоналарга газ қувурлари улаб олишиб, давлат бюджетига 4 миллион сўм миқдорида зарар етказганлиги фош этилди. Улар устидан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, жаримага тортиш чораси қўлланилди. Шу кунгача қоидабузувчилардан 3 миллион сўм миқдорда пул маблағлари ундирилди.

Бундан ташқари, сохта тадбиркорлик билан иш кўриб, юртимизга ноқонуний йўллар орқали товар моддий бойликлари олиб кираётган «уддабуронлар» ҳам учраб туради. Б.Умарова ва Ш.Ортиқов ана шундай нафс қутқусига учиб, мўмай даромад топишга муккасидан кетганлардан чиқиб қолди. Улар Туркияда ишлаб чиқарилган, сифат сертификатига эга бўлмаган 902,5 минг сўмлик «Fax-cavou-fax» атир совун маҳсулотларини сотиш мақсадида олиб келишаётганида қўлга туширилди. Қонунбузарлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мирзоҳид ҚОСИМОВ,
Янгийўл туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Бандликни оширишда иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларнинг роли

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг тегишли қарори муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқ хўжалиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, 2004 йилда банд аҳолининг 31,0 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келади. 2004 йилда моддий ишлаб чиқариш соҳасида, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқаларда ишловчилар 67,7 фоизни, ноишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилувчилар 32,3 фоизни ташкил қилади. 2005 йил 1 январ ҳолатига кўра республикада меҳнат ресурсларини сони 14021,0 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 9945,5 минг киши, иқтисодиётда банд бўлганлар 9910,6 минг кишини ташкил этган. Жами аҳоли эса – 26006,8 минг кишидан иборат бўлган.

2005 йил 1 январ ҳолатига кўра республикамизда бандлик таркиби ҳолатига назар солсак, қишлоқ хўжалиги устуворликка эга эканлигини кўрсатади. Жумладан, саноатда 13,0 фоиз, қурилишда 8,2 фоиз, транспорт ва алоқада 3,3 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида 8,7 фоиз бўлса, қишлоқ хўжалигида эса 31,0 фоизни ташкил қилган.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 76 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фоизидан ортиғи, қишлоқ хўжалиги ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда. Нодавлат секторда 77 фоиз ёки иқтисодиётда банд бўлган кишиларнинг тўртдан уч қисми меҳнат қилмоқда.

Бандлик ва аҳоли даромадларини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни роли беқиёсдир. Шунинг учун бу секторни ривожланиши учун кейинги йилларда қулайлик, ҳуқуқий база, имтиёз ва кредитлар тизимини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилди.

2005 йилда кичик бизнес объектлари 31,5 мингтага кўпайди ва уларнинг сони 310 мингдан ортиб кетди. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолини 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритмоқда. Янги яратилаётган иш ўринларини 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига ва янги ички маҳсулотдаги улуши 38,2 фоизни ташкил қилмоқда.

Республикада охирги йилларда аҳолининг абсолют ва нисбий бандлиги ошиб бормоқда, айниқса 2004 йилда сезиларли бўлди. Йил мобайнида иқтисодиётда банд бўлганлар сони 2003 йилдаги 256,0 минг киши (2,7 фоиз) ўрнига 321,6 минг кишига ўсди (3,4 фоиз). Ушбу кўрсаткич бўйича ўсиш 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 59 минг кишини, 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 66 минг кишини ташкил қилди. Бундай ижобий ҳолат саноатда банд бўлганлар сонининг жадал ўсиши билан боғлиқ.

2005 йилда аҳоли бандлигининг асосий ўсиши иқтисодиётда банд бўлганлар улушининг озлиги, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини пастлиги қишлоқ хўжалигида ортиқча иш кучи мужассамлашишига олиб келди. Ҳисоб-китобларга қараганда, Республикамизда 1 млн.дан ортиқроқ ишчи кучини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмини камайтирмагани ҳолда корхоналардан бўшатиш мумкин.

Бугунги кунда Республикамиз иқтисодиётида янги иш жойларини ташкил этиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш орқали иш билан таъминланганлик даражасини ошириш иқтисодий ўсиш борасидаги имкониятлардан ҳисобланади.

Бу муҳим долзарб муаммони ечиш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди:

- Янги микрофирмалар ташкил қилиниши, оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарнинг ривожлантирилиши, микрокредитлаш тизимларини рағбатлантириш;
- Касаначиликнинг йирик саноат корхоналари билан кооперациялашувидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- Енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш ва тайёр, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган, кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни жадал ривожлантириш;
- 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ривожлантириш;
- Шахсий томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, авваламбор, қорамоллар сонини оширишни рағбатлантириш;

Юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши кўплаб кишиларни, айниқса хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисини фаровонлигини оширишга имкон беради.

Асосий муаммолардан яна бири, бугунги кунда банд бўлмаган ишчи кучининг сонини аниқ белгилаб, уларга иш жойлари тайёрлашдан ибратдир.

Бироқ, иш билан таъминланганлар сони анчагина бўлишига қарамай расмий маълумотларда ишсиз деб эътироф этилганлар сони 2000 йилда атиги 35.4 минг, 2002 йилда – 34.8 минг, 2003 йилда – 32.2 минг, 2004 йилда эса 34.9 минг кишидан иборат. Одатда бундай номувофиқлик фуқароларимизнинг жойлардаги бандлик хизматларига ўз вақтида мурожаат қилмасликлари ва ишсизликни аниқлашнинг нотўғри усулига асосланганлиги билан изоҳланади. Фикримизча, аслида бу борада бандлик хизматларининг иш фаолиятини фаоллаштириш, улар томонидан амалга оширилаётган иш услубини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Чунки, бундай аниқ бўлмаган маълумотлар мутасадди ташкилотларни чалғитади ва қўшимча иш жойларини тайёрлаш ҳаракатини сусайтиради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, албатта, аҳоли бандлигини оширади ва ишсизлик даражасини пасайтиради. Шунинг учун иқтисодиётга жалб қилинаётган чет эл инвестицияларининг асосий қисмини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтириш, асосан кичик ва ўрта корхоналарни акцияларини сотиб олиш йўли билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириб бориб, таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш зарур. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар иқтисодиётни янада ривожлантиришга, жамият иқтисодий салоҳиятини ўсишига, иш жойларини кўпайтиришга, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ортиқча ишчи кучи ресурсларини бошқа соҳаларга самарали тақсимлашга ва аҳоли даромадларини кўпайтириб, уларнинг фаровонлигини янада оширишга олиб келади.

Шерқул ШОДМОНОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Турғун ЗИЯЕВ,
фахрий доктор,
Шоира ИСРОИЛОВА,
катта ўқитувчи

«Мунис-Умиди» савдо ишлаб чиқариш фирмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг Навбаҳор туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича биринчиликни қўлга киритди.

ФИРМА - ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Неъмат Ражабов ўтган йили «Пахта-банк»нинг туман бўлими кўмагида Германияда ишлаб чиқарилган «Резограф» технологиясини 22,5 миллион сўмга харид қилиб, корхона қошида кичик босмахона ташкил этганди.

Соатига 125 минг дона турли шаклдаги босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган босмахона тумандаги тадбиркорлар, фермерлар, корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли учун қўл келди. Энди улар вилоят марказига турли ҳужжат қоғозларини излаб бормайдиган бўлди. Қолаверса, бу кичик босмахонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати хорижникидан қолишмайди.

Айни пайтда фирма жамоаси «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг вилоят босқичига қизғин тайёргарлик кўряпти.

(ЎзА)

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.05г.

С.П.ООО«TOSHIKRANGMET» раскрывает информацию о намерении приобрести 112119 штук акций простых именных ОАО «O'ZRANGMETLOYIHA», что составляет 25 % от уставного фонда.

Адрес эмитента: г.Ташкент, ул.Пушкина 59

Маъмун академиясининг 1000 йиллиги олдидан

ЭЗГУЛИК ЯХШИ ТИЛАКДАН БОШЛАНАДИ

Маъмун академиясида фаолият кўрсатган Абу Райҳон ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ирок, Абу Сахл Масиҳий, Абулҳайр ибн Ҳаммор, Ибн Ҳомид ал Хоразмий, Абу Мансур ас Саолибий ва бошқа номдор олимлар инсоният илмий ва бадиий тафаккури ривожига бекиёс ҳисса қўшдилар. Уларнинг табиий ҳамда ижтимоий фанларга оид қашфиётлари умуминсониятнинг бебаҳо маънавий мулкига айланди ва бокий қадриятлари сифатида ҳозирги кунда ҳам қадрланиб келинмоқда.

Академия олимлари шуғулланган соҳалар аввало ниҳоятда хилма-хиллиги ва илмий қарашлари теранлиги билан ажралиб турса, иккинчи томондан, илмий хулоса ва кашфиётларнинг комил инсон ва унинг эркин турмуш тарзи учун кўмаклашиш ғоясига асосланган. Бу, айниқса, академия раҳномаси Беруний (973-1048)нинг амалий ва илмий фаолиятида ёрқин ифодаланади. Маърифатни комилликнинг шарти деб билган Беруний ёшлигидан билим ва ҳунар эгаллаш йўлини танлади. Турли мамлакатларда мусофирликда, ночор аҳволда яшаган пайтларида ҳам илм ва тил ўрганишдан чарчамади. У 16 ёшидаёқ астрономияга оид сабоқларни эгаллаб, жумладан, глобус ясаб, кузатувлар олиб борди. Берунийнинг ўнлаб тилларни пухта эгаллаши кўп илмларни ўрганишга имкон берди. Дастлаб ўз даврининг илмий тили ҳисобланган араб тилини пухта эгаллаб, сўнгра форс, сурёний, юнон тилларини ўргана бошлайди, 40 ёшдан сўнг эса қадимги ҳинд тили-санкрит тилини ўрганди. Бу эса алломага турли тиллардан таржима қилишда, янги-янги асарлар яратишда қўл келди. Жумладан, унинг "Сайдана" асарида доричиликка оид моддаларнинг номлари 31 тил ва шевада келтирилган. Яна бир ҳайратомуз факт шундаки, XI асрда қадим юнон адиблари асарларининг араб тилига таржимаси бўлмаса ҳам Беруний тил билгани сабабли "Илиада" ва "Одессия" каби қадим достонлар муаллифи Гомер ижодидан хабардор бўлиб, ундан файз ва рағбат олганки, бу ҳам олим қизиқиш қамровининг ниҳоятда кенглигини кўрсатади.

Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Минерология", "Сайдана", "Ҳиндистон", "Қонуни Масъудий" каби асарларида қадим аждодларимизнинг диний, маърифий, тарихий, адабий ва ахлоқий қадриятлари жамланган. Уларнинг негизини олимнинг одам ва олам тақдири, ватанпарварлик ва эзгулик ҳақидаги қарашлари ташкил этади. Беруний инсонни энг олий ва айни чоғда мураккаб хилқат сифатида таърифлар экан, унинг олийлигини яратувчилиги ва тафаккурида, мураккаблигини эса характеридаги зиддиятларида кўради. Шу ўринда олам асосини ташкил этувчи эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги қадим тушунчаларнинг изларини ҳис қилиш қийин эмас. Зеро, Беруний ўзи яхши хабардор бўлган "Авесто"даги бу икки тамойил тавсифини муайян мисоллар асосида янада бойитади. У ёзади: "Эзгулик умуман барча кишиларга, шу жумладан, уруғ-аймоқларга яхшилик қилишдан, иложи бўлганда иш билан, беилож қолганда эса яхши тилак билан кўмак беришдан иборат".

Беруний фикрича, одамларнинг ижобий ва салбий хусусиятларга эга бўлиши инсон табиатининг инъикоси бўлиб, биринчиси уларга мақтов, иккинчиси танбеҳ келтиради ва "мақтовга лойиқ ҳолатларнинг қутби - мурувват, мурувватнинг меҳвари эса покизалик ва мусаффоликдир".



Салбий хислатлар орасида айниқса, ғийбат, ёлғончилик қаттиқ қораланади. Беруний бу иллат кишининг тубанлиги, унинг ёмон хоҳиш ва табиатидаги бузуқ фикрлар ифодаси эканини таъкидлаб шундай хулосага келади: "Демак, ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради, зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга ҳиёнат қилиш, бошқалар мулкини ўйлаб билан босиб олиш, ўғрилик каби хулқларни бировларга яхши қилиб кўрсатади". Лекин бу иллат қанчалик машъум бўлмасин, инсон ундан қутулишга қодир. Олимнинг таъкидлашича, "Ғийбатчиликдан ростгўйликка ўтган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди". Катта ҳаётий маъно акс этган ушбу сатрлар ҳозир ҳам баъзи кимсаларга сабоқ бўлиши табиий. Олим инсон ўзидаги салбий жиҳатларни енгиши мумкин ва лозим деб ҳисоблайди. Бундай киши ўзида аввало иродани тарбиялаб, эҳтиросларини жиловлай олиши, феъл-атворини ўзгартиришга интилиши, руҳий жиҳатдан тобланиши ва ахлоқ тўғрисидаги йўл-йўриқларга амал қилиши шарт эканлиги таъкидланади. Шунингдек, аллома фикрича, донишманд ва олимлар хулқларидан ўрнак олиш яхши хулқни ривожлантириб ёмонини йўқ қилади. Зеро, "яхши хулқ – яхшилик аломати".

Комиллик йўлида билим ва илмнинг ўрни муҳим эканлиги Беруний ақидаларида бот-бот учрайди. "Билим – такрорлаш ва қайтариш меваси" эканига ишонган аллома билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлишидан огоҳлантиради. Шунингдек, "билмаганимиз сабабли билган нарсаларимизни айтмай қўйишимиз ҳам яхши эмас" деган фикри ҳам фойдали сабоқдир. Беруний илмларнинг пайдо бўлишини инсон ҳаётидаги заруриятлар тақозоси эканини таъкидлаб ёзади: "Шу эҳтиёжларга кўра илм ҳар хил тармоқларга бўлинди. Илмнинг фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир".

Беруний ана шу зарур нарсалардан тўғри сўз ва адолатни олдинги ўринга қўяди. Зеро, бу икки фазилат инсонни баркамол ва маърифатли бўлишига ёрдам беради. Ростгўйликни инсон зийнати сифатида эътироф этган олим "ёлғон доим ростдан енгилади, у худди сув юзасидаги кўпикдек йўқ бўлиб кетади" дейди. Бундан ташқари, Беруний тўғри сўз сўзлаш ва тўғри иш қилишни ўлимни писанд қилмайдиган жанггоҳдаги мардликнинг энг юқори шаклига қиёс қилиб, унинг адолатга алоқадорлигини алоҳида таъкидлайди: "Ҳамманинг табиатида адолат бевосита севикли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқадиган бўлгани каби ростгўйлик ҳам шундай..." дейди у. Шунингдек, Беруний давлатни бошқаришда адолатга таяниш, айниқса, зарур эканини қайд қилади. Бу жиҳатдан унинг бошқариш усулига берган таърифида демократик усул тарғиб этилган: "идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти эзувчилар тарафидан (зўрликдан) жабр кўрганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, идора этилаётган халқнинг роҳати деб ўзини роҳатдан маҳрум этишдир". Чунки, "тинчлик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтиролар, ғам-ғусса бўлмайди".

Умуман, Беруний даври бўлган XI асрнинг биринчи ярмида яратилиб, инсоният илмий тафаккурини бойитган ноёб мерос янги жамият маънавияти шаклланаётган бугунги кунда ҳам биз учун мўътабар қадриятдир.

Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори

Маънавият сабоғи

Тарбиянинг тамал тоши оилада қўйилади. Оилавий ҳаётнинг бош мақсади болалар тарбияси, бу тарбиянинг бош мактаби эса ота-онанинг шахсияти, ўзаро муносабатидир. Инсонни нафақат соғлом муҳит, балки аксарият ҳолларда одамлар тарбиялайди. Улар орасида ота-она, ўқитувчилар, қўни-қўшни, маҳалладошлар биринчи ўринда туришади. Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ. Улуғ педагоглардан бири шундай деб таъкидлаган эди: "Болангизни у билан гаплашаётган, бирор нарса ўргатаётган ёхуд унга бирор иш буюраётганингиздагина тарбиялаяпман, дея ўйламанг. Сиз уни ҳаётингизнинг ҳар бир сониясида тарбиялаб борасиз. Сўзингиз оҳангидаги зиғирдек ўзгаришни ҳам бола сезиб ёки ҳис этиб туради. Фикрингиздаги озгина бурилиш ҳам кўринмас йўллар билан болангизга етиб турадики, буни ўзингиз сезмай қоласиз".

ФАРЗАНДГА МУҲАББАТ

кўр-кўрона бўлмаслиги лозим

Фарзанд ўстириш ва уни тарбиялаш ғоят жиддий, масъулиятли, шарафли иш. Ҳозирги ота-оналар фарзандларига тарбия бера туриб, Ватанимизнинг истиқболини тарбиялайдилар. Халқнинг бахт-саодати ҳеч шубҳасиз, болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ.

Фарзандларимиз — бизнинг келажагимиз. Улар эртанги кунимизнинг ҳакамлари, биз бажарган ишларнинг ютуқ ва камчиликларининг мунаққидларидир. Улар келажаги буюк давлатни бунёд этиш, биз етолмаган чўққиларни забт этиш учун улуғ ишларга чоғланиб дунёга келган авлоддир. Бола тарбияси учун ҳар қандай ишдан кўра ҳам теранроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик керак бўлади. Дунёда қанча тирик мавжудод борки, боласини севишни билади. Қўнғиз ҳам ўз боласини оппоғим дер, кирпи ҳам ўз боласини юмшоғим дер. Тарбия фақат инсонга хосдир. Болаларни тарбияламоқ, бу ишни қойилмақом қилиб уддалай олмоқ эса қобилият, сабр-бардош, кенг ҳаётий билимларни талаб этувчи давлат миқёсидаги буюк ишдир.

Боланинг тили чиққан вақтдан бошлаб унга одоб-ахлоқ ўргатиш ота-онанинг вазифаси эканлиги муборак Ҳадиси шарифда ҳам баён қилинган. Зукко ва доно халқимиз бола тарбиясига оид ғоят қимматли мақол, ташбеҳ ва ривоятларни бизга мерос қолдирган. Ўқиб, мағзини чақинг:

Қуш уясида кўрганини қилади.

* * *

Давлатинг — ўғил-қизинг.

* * *

Фарзанд азиз, одоби ундан азиз.

Бола бошдан, деб бежиз айтишмаган. Барча мутафаккирлар тарбияни йўргақдан бошлаш керак, деган хулосага келганлар. Инсон тарбияси у туғилиши замон бошланади. Чақалоқ ҳали гапирмайди, сўзга қулоқ солмайди, аммо ўргана бошлайди. Билиш тажрибадан бошланади. Ёшликда юққан одат ниҳоятда мустаҳкам бўлади. Одамга болаликдан сингдирилган одатлар тошга ўйиб ёзилган ҳарфларга ўхшайдики, у бир умрга муҳрланиб қолади. Болаликда босилган қадам одатга, одат иллатга, иллат эса хислатга айланади.

Илк тарбия ҳамма нарсадан ҳам муҳим бўлиб, у шубҳасиз аёллар зиммасидадир. Шундан келиб чиқиб, бемалол айтиш мумкинки, миллатнинг келажаги оналар қўлидадир. Одамзоднинг биринчи тарбиячиси онадир. "Бизга яхши оналари беринг, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз", деб айтган экан алломалардан бири. Ҳақиқий ва тўла инсоний фуқаролик ҳаёти билан яшаган онагина болаларни яхши тарбиялайди. Ота-онанинг фарзандга муҳаббати кўр-кўрона бўлмаслиги керак. Боланинг ҳамма талабини бажаравериш, уни ширинликлар, совғалар билан сийлайвериш қалбини мажруҳ қилиб қўйиши мумкин. Болаликка буюк ҳурмат-эҳтиром билан қараш лозим. Лекин болага сажда қилиш ақлдан эмас. Улғайганда у кўп қурбон беришларни талаб қилади. Болани гўдаклигиданоқ шундай шарт-шароитларга қўймоқ керакки, у жамоа билан бирга яшасин, ўйнасин, меҳнат қилсин, ўз қувонч ва қайғуларини ўртоқлари билан бирга баҳам кўрсин. Бола фақат ота-онагина эмас, балки жамият назорати остида бўлсин. Бир болага етти қўшни ота-она, деб бежиз айтишмаган.

Қўйиб беринг, болангиз елиб-югурсин, ишласин, талашиб-тортишсин. Бола бўлса, шўх бўлсин, дейишади-ку!

Бола уни урган, хўрлаган кишидан нафратланади. Ширин муомала, меҳр-шафқатли ҳар қандай жазо, дўқ-пўписадан кучлироқ таъсир этади.

Мирза Анвар КАРИМОВ

Футбол

Шу кунгача Қатар билан ўзаро бахсда терма жамоамизнинг бироз бўлса-да, устунлиги бор эди. Яъни, ўзаро учрашувларнинг натижасига кўра икки ўйинда дуранг қайд этилган бўлса, биттасида юртдошларимиз ғалаба қозонишганди. Энди бу тафовут йўққа чиқарилди.

БАҲОНАИ САБАБДАН ФОЙДА ЙЎҚ

муҳими, сабоқ чиқариш

2007 йилда ўтказилиши режалаштирилган Осиё кубоги саралаш босқичида жамоалар иккинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Ўзбекистон термаси Доҳа шаҳрида Қатарга қарши майдонга тушди. Гуруҳда кучли деб эътироф этилган икки жамоа ўртасидаги учрашув кўп нарсага ойдинлик киритди. Ҳисоб — 1:2.

Мағлубият ҳамиша аламли бўлади. Лекин назаримизда Қатар билан кечган ўйинда мухлисларни бошқа нарса – футболчиларимиз ўзларининг нималарга қодирликларини намойиш эта олмаганликлари ранжитди. Тўғри, азал-азалдан маълум, сафарда тўп суришнинг ўзи бўлмайди. Агар бунга ноқулай об-ҳаво қўшилса, яна ҳам ёмон. Лекин "чарм тўп" усталари бундай шароитга биринчи марта тушишлари эмас-ку!

Демак, баҳонаи сабабни бошқа жойдан қидириш керак. Бунинг учун бироз бўлса-да, ўйин тафсилотига мурожаат қилишимизга тўғри келади. Учрашув кутилганидек майдон эгаларининг ҳужуми билан бошланди. Лекин бу узоқ давом этмади. Ташаббус бизникилар томонга ўтиб, у тезда ўз самарасини берди ҳам. Л.Кошелев томонидан жарима майдони томон узатилган тўп ҳимоячи Билол Ражонинг қўпол хатоси туфайли Қатар дарвозасидан жой олди.

Осонлик билан ҳисобда олдинга чиқиб олган футболчиларимиз биринчи бўлим охиригача ўйин тизгинини қўлда ушлаб турдилар. Аммо тўхталишлар учун ҳакам томонидан қўшиб берилган уч дақиқа ҳамма нарсани чиппакка чиқарди. Тезроқ танаффусга чиқиб кетиш хаёлида бўлган ҳимоячиларимизнинг бир бахялик эътиборсизлигидан усталик билан фойдаланган мезбонлар мувозанатни тиклашди. Ҳимоячиларимиз орасидан ёриб чиққан Одил Лами Моҳ дарвозабонимиз Е.Сафоновга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Гўё иккинчи бўлимда мураббий Непоняший кўрсатмаларидан сўнг майдонда юзага келган вазият яна биз томонга ўтади, деган таассурот тез орада рўёга айланди. Ташаббус тўлалигича Қатар термасига бериб қўйилди. На ҳимоячилар, на ярим ҳимоячиларнинг ўйини қовушмади. Ҳужумчиларимизнинг ҳаракатида ҳам пала-партишлик кўзга ташланди. Бир сўз билан айтганда, чизиқларни туташтирувчи диспетчер кўринмади. Аввалги ўйинда қизил карточка олиб, майдондан четлаштирилган С.Жепаровнинг ўрни яққол сезилди.

Ушбу ўйинга қараб туриб, терма жамоамиз бош мураббийи олдида катта муаммо турганлигини яна бир карра ҳис қилдик. Бу футбол билан хайрлашган Миржалол Қосимов бажариб келган юмушни уддалай биладиган ўринбосарни топиш билан боғлиқ масала. Эҳтимол, Сервер бу вазифани уддалар, балки Кападзега ишонч билдириш керакдир. Ҳар ҳолда ушбу масала ечимисиз олға силжиб бўлмайди.

Мавсум энди бошланди. Табиийки, бундай пайтда юқори даражадаги намунавий футболни намойиш этиш қийин. Аммо ҳаракат қилса, ҳамма нарсага эришиш мумкин. Ўзини профессионал деб билган ҳақиқий футболчилар буни аллақачон исботлаб қўйишган. Бунинг учун кўп нарса керак эмас. Зиммасига юкланган вазифани виждон ва ор-номус ишига айлантира билган ҳар бир спортчи бунинг уддасидан чиқа олади.

М.ИБРОҲИМОВ

ҚИММАТЛИ МАЖМУА

Ҳар соҳадан бир шингил

Қадимий ва гўзал Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу сана муносабати билан бу кўҳна шаҳар тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар чоп этилмоқда.

Археолог, тарихчи, тилшунос олимлар томонидан яратилаётган қатор йирик тадқиқотлар, монографиялар юбилейга муносиб совға бўлади. Таниқли адабиётшунос олим Поён Равшановнинг изланишлари ҳам диққатга сазовордир.

"Насаф ва Кеш тарихи манбалари" деб номланган илмий тўплам эса кўп нусхада чиқарилди.

Янги нашр Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг юзага келиши, ривожланиши ва бугунги кунгача бўлган тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Уни нашрга тайёрлашда муаллиф воҳа ўтмишига доир 400 га яқин тарихий, этнографик манбалардан фойдаланди.

Бу эса ушбу қадимий шаҳарлар тарихини ёритувчи илмий манбалар мундарижасини тўлалигича ифодалаш имконини берди. Қарши тарихи "Ўзбекистон шаҳарлари ва машҳур тарихий шахслар энциклопедияси" туркумида нашрга тайёрланаётган китобда ҳам ўз аксини топади. Темурийлар даври тарихи давлат музейи негизида чоп этилаётган бу қимматли мажмуадан Қарши тарихига бағишланган тўплам ҳам ўрин олди.

КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР АТАМАЛАРИ ЛУҒАТИ

Мамлакатимизда композицион материалларни яратиш ва уларни амалиётда кенг қўллаш борасида ҳам йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда республика "Фан ва тараққиёт" илмий-технологиялар маркази олимларининг хизмати катта бўлмоқда.

Бу йирик тадқиқот ўчоғининг Ўзбекистон Фанлар академияси полимерлар кимёси ва физикаси институти, ўсимлик моддалари кимёси институти, шунингдек, қатор олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги ҳам қўл келмоқда.

Композицияли материалларни фан сифатида ўрганиш жараёнида кўплаб сўз, бирикмалар юзага келди. Ана шу атамалар бўйича янги луғат босмага тайёрланди. "Композицион материаллар ва улардан ясалган ашёларнинг русча-ўзбекча луғати" деган номдаги бу нашр республикамиз луғатшунослигида ўзига хос янгилик бўлади.

А.АЛИЕВ

Донолар бисотидан

АҚЛЛИ АЁЛ

Золимлиги билан ном чиқарган Ҳажжож ақлли бир хотиннинг эрини, ўғлини ва акасини банди қилди. Аёл йиғлаб, фарёд қилиб Ҳажжожнинг олдига келди.

Ҳажжож:

– Бу уч кишидан бирини авф этаман. Яхшилаб ўйлаб кўр. Қайси бирининг озод бўлишини хоҳлайсан? Эрингними, ўғлингними, акангними? – деди.

Хотин:

– Эр топилади, юртда эркак кўп. Ўғил туғилади, истасам бир неча ўғил туғаман. Аммо ака топилмайди, чунки онам яна бир ака туғиб беролмайди, – деди.

Аёлнинг бу оқилона ва тўғри жавоби Ҳажжожга қаттиқ таъсир қилди ва:

– Акангни кечиришимни сўраб тўғри қилдинг. Сенинг ақлли ва тўғри сўзлигинг менга ёқди ва уларнинг барини озод этаман, – деди.

РОҲАТ ВА ОРОМ УМИДИДА

- Одамнинг роҳат ва ороми унинг умидида бўлади.
- Киши бошига тушган қийинчиликни бировга билдирмаслиги ҳам мардлик саналади.
- Модомики бетоқат нарсаларга сабр-тоқат қила олдингми, бўлди, ўзингни зафар билан қутлайвер.
- Ёмонликнинг кечиктирилиши ҳам хайрли ишдур.
- Ёмонлик қилганга ҳам, яхшилик қил, зеро, сенинг қилган яхшилигинг унинг ёмонлиги йўлини тўсур.
- Кишининг иймон и мустаҳкамлигини унинг берган ваъдаларидан билса бўлади.
- Умрингни аввалида қанчалик сергак бўлсанг, умринг сўнгида ҳам шунчалик сергак бўлиб, тадорикингни кўриб кўй.

Узбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши касаба уюшма Марказий кенгашининг Қашқадарё вилояти Китоб тумани бўйича Вакили **Солижон ЮСУПОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Тошкент вилояти Кенгаши АСМ ходимлари касаба уюшма Тошкент тумани Кенгаши бош ҳисобчиси Шарифа Нурмуҳамедовага волидаи муҳтарамаси **РИХСИХОН ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Утерянное 28 февраля 2006 года лицензия на осуществление аудиторской деятельности ООО "ADVISER" №00434 от 07.05.2006 года и сертификат аудитора №00570 от 12.01.2001 года на имя Стёпиной Н.В. **считать недействительным.**

Тошкент шаҳар II Ҳуқуқшунослик коллежи томонидан Ибрагимова Наргиза Муродовна номига берилган №133 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**

Тошкент шаҳар II Ҳуқуқшунослик коллежи томонидан Абдужабборов Шаҳзод Шокирович номига берилган №127 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Мутолаа

ҲЎҚАНДИ-ЛАТИФ ТАРИХИ

Нафақат водий, балки бутун мамлакатимиз ҳудудида адабиёт ва санъат соҳасида катта ном қозонган шаҳарлардан бири шубҳасиз, Ҳўқанди-латифдир. Азалдан шундай бўлиб келган. Адабиётимизда "Қўқон адабий муҳити" деган ном бежизга пайдо бўлмаган. Бу шаҳар асрлар оша юксак маданият ва маърифат бешиги саналган.

Шаҳардаги тўнғич билим даргоҳи Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти олимларининг "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" таҳририяти билан ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. Яқинда ушбу қомуснинг тўққизинчи ҳамда ўнинчи томлари муштарийларга етиб борди.

Уларда институт профессор-ўқитувчилари — филология фанлари номзодлари - доцентлар М.Ҳошимова, Р.Тожибоев, И.Пўлатов, Н.Охунов, И.Мадраҳимов, М.Сиддиқов, Р.Ўлмасов, педагогика фанлари номзоди, доцент Н.Эркабоева, педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси М.Юсуповларнинг мақолалари ҳам ўрин олганлиги қувонарлидир. Ушбу мақолаларда Фазлий Наманганий, Муҳаммад Холиқий, Пўлатжон Қаюмов, Лазиз Қаюмов каби кўплаб ҳамшаҳарларимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилинади. Олимларимиз бундан ташқари ўз мақолаларида адабиётшунослик, тилшунослик, чет эл педагогикаси ва адабиёти тарихи фанларига оид илмий мавзуларни ҳам кенг ёритганлар.

"Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" қомусининг ҳар икки томини варақласангиз, гўёки шаҳар тарихига саёҳат этгандек бўласиз. Худоёрхон, Умархон (Амирий), Шералихон, Шоҳруҳбек сингари ҳукмдорлар ҳақида батафсил маълумот билан танишасиз. Шунингдек, Қўқон адабий муҳитида ўз ўрнига эга бўлган Фурқат, Муқимий, Увайсий, Завқий, Шокир Сулаймон, Усмон Носир, Чархий каби буюк алломалар ҳаёти ва ижодига доир муҳим изланишлардан хабар топасиз. Таниқли санъаткорлар Эрка қори Каримов, Сулаймон Юдаков, Ҳамза Умаров, Ваҳобжон Фаёзов, Наби Халилов, академиклар Муҳаммаджон Ўразбоев, Музаффар Хайруллаев, давлат ва жамоат арбоби Назир Тўрақулов, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Эркин Эргашев каби қўқонликлар ҳамда шаҳримизда нашр этилган "Эл байроғи" газетаси ҳақидаги маълумотлар китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Шунингдек, Фарғона вилояти, Қўқон тарихи, унинг саноати, маданияти, адабиёти, тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Янгиланиш ва яшариш байрами Наврўзи олам арафасида "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси"нинг яна бир янги нашри – ўн биринчи томи китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади. Унда ҳам Қўқон ва қўқонликлар ҳақида ҳикоя қилинган кўплаб мақолалар ўрин олган. Ўйлаймизки, янги нашр кўпчиликка манзур бўлади.

Зоҳид БОЛТАБОЕВ,
«Ишонч» мухбири

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18855 Буюртма Г— 514

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.15

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

12345